



Ушбу сарлавха остида шайх Абулхасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳи куйидагиларни ёзди:

«Мўғул-татарлар мусулмон оламини харобага айлантиргач, кейинги давр ўта тушкунлик даври бўлди. Бу даврда ҳукмронлик ҳам ўзгарди.

Хижрий 658 - 923, милодий 1259 - 1517 йиллар Ислом тарихида «мамлуклар ҳукмронлиги йиллари» дейилади. Мамлуклар давлати 275 йил давр сурган.

«Мамлук» сўзи араб тилида «мулк килинган», яъни бировнинг мулки деган маънони англатади. Бошқача қилиб айтганда, бу қул деганидир. Айюбийлар давлатининг султони Туркистон, Кавказ, Кичик Осиё, Мовароуннахр каби жойлардан ёш болаларни мулк сифатида сотиб олган ва жангчиликка тайёрлаган эди. Улар аслида қул бўлмаган, уларни сотиш, сотиб олиш шариатга ҳилоф иш бўлган.

Аслида мамлуклар Миср, Шом ва Хижозгагина ҳукмронлик қилганлар. Улар қанча ҳаракат қилишмасин, бошқа жойларни ўзларига қўша олмаганлар. Бошқа жойлар турли-туман давлатларга ажраб кетган, лекин мамлуклар давлатида халифаликнинг баъзи сифатлари ва хусусиятлари сақланиб қолгани учун у мусулмон оламининг бош давлати сифатида эътироф қилинган. Улар аббосийлардан бир кишини номига бўлса ҳам халифа қилиб қўйишар эди.

Бу даврда Исломдан узоклашиш, ички ихтилофлар ва тарқоқлик, салиб юришлари, мўғуллар босқини каби қўпгина ички ва ташқи салбий омиллар туфайли мусулмон олами ниҳоятда заифлашиб кетди. Иқтисодий ҳолат оғир-лашди. Мусулмон оламида камбағаллик, саводсизлик каби салбий ҳолатлар кенг тарқалди.

Мамлукларнинг султонлари ҳам ниҳоятда заиф эдилар. Бунинг устига уларнинг орасида ҳикду ҳасад, ўзаро адоват, орқадан хийла-найранглар уюштириш каби ҳолатлар авж

олган, булар эса мусулмонларнинг умумий заифлигини яна ҳам оширар эди.

Мамлуклар турли элатлар ва диёрларнинг вакиллари бўлганлари учун ораларида доимий равишда уруш-жанжаллар, киргинбаротлар чикиб турарди. Улар халқдан ажраб, алохида аскаргоҳдарда яшар эдилар. Бу ҳолат уларни одамови килиб қўйган эди. Шу билан бирга, улар султонга якин бўлганлари учун ўзларини бошқалардан юкори тутар эдилар.

Мамлуклар ўзларининг молга сотиб олинган кул эканликларини яхши билишарди. Бу қайсидир маънода уларнинг нафсониятига тегиб, бошқаларга нисбатан қўпол муносабатда бўлишларига сабаб бўлар эди.

Уларда «Фазл кучдадир» деган тушунча бор эди. Шу боис салтанатга эришиш йўлида бир-бирини киргинбарот қилиш улар учун оддий иш эди.

Мамлуклар ўзларининг дастлабки даврларида ҳарбий соҳада катта ишларни амалга оширдилар. Мусулмонлар ватанидан салибчиларнинг қолган-қутганларини қувиб чиқардилар. Мўғул-татарларни биринчи бўлиб улар мағлубиятга учратдилар, аввал Шомдан, кейин Кичик Осиёдан қувиб чиқардилар».

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимахуллохнинг
"Олам ва одам, дин ва илм" китобидан